

«Итнинг гўрини зиёратгоҳ қилдилар...»

Ғоялар бозори

Жаҳонда турли хил идеологиялар (мафкуралар тизимлари) катта бозори мавжуд. Уларнинг энг бозори чаққони узоқ таҳлил қилмай, ўйламай истеъмолга осонгина қабул қилинадиганлари: радикал миллатчилик ирқчилик, радикал сўлчилик ва радикал диний тизимлардир. Ҳар бирини “истеъмолчи”га етказиб берувчи тайёргина мултимедиа ва матнлардан иборат материаллар қадоқлаб қўйилган.

Афсуски, минтиқамизда бу “тез-пишар озуқалар”нинг диний турлари ёшлар оммасида тез тарқалади. Нима учун шундай? Ёшлар қизқиққон, адолат мавзусида ҳиссиётга берилувчан, бошларига тушган ижтимоий оғриқли мавзуларга тезда жавоб топишга иштиёқ ниҳоятда кучли бўлади. Шу сабабли диндор ёшлар радикал оқимлар таъсирига тушиб қолиши эҳтимоли катта бўлади.

Демак, бир сўз билан айтганда, ёшларда учун тезкор, енгил қабул бўладиган жавоб ва ечимлар талаб бор, радикал оқимларда эса талабга мос кўп амалий синовлардан ўтиб келаётган таклифлари бор.

Бу вазиятнинг салбий оқибатларини мақоламизда келтириб ўтирмай, ечими ҳақида кичик мулоҳаза қилиб кўрамиз.

Ёш диндорлар талабларига муносиб таклифлар

Диндор ёшларнинг ўткир потенциалини радикализмдан асраш учун:

Биринчидан, уларнинг зеҳний талабларини тўғри шаклланишини таъминлаш зарур. Бунга ёшларда “осон жавоблар” тузоғидан огоҳ этиш, муаммоларнинг келиб чиқиши, умуман дунёнинг ишлари чигал, мураккаб, ўзаро туташ унсурлардан иборатлигини кўрсатиш,

ташқаридан таклиф қилинаётган ечимларга танқидий назар, таҳлилий тафаккурга, ақлий меҳнатга ўргатиш киради.

Иккинчидан, ёшларимизнинг диний талабларини бўғиш ўрнига муносиб таклифлар бериш зарур. Бунга ҳақиқий илм асосида ва одамлар онгига мос диний билимларини бериб бориш; мумтоз ва замонавий олимларнинг асарлари орқали, янги замонавий медиа воситасида узлуксиз соғлом эътиқод асосларини етказиб бериш; ҳуқуқий ва ижтимоий фаоллик асослари ва намуналарини мунтазам тақдим этиш билан бўлади.

Учинчидан, ёшларни Ўзбекистон равнақи учун меҳнатга кенг жалб қилиш керак. Бунга ҳозирги сиёсий партиялар фаолияти, илмий изланиш тадқиқотлари, хайрия волонтерлик ҳаракатлари, экологияни асраш ва тузатиш тадбирлари, маънавий ижодкорлик лойиҳалари, тадбиркорлик стартапларига изчил жалб қилиш киради.

Юқорида айтилган уч йўналиш учун Ислом динида асослар мавжуд. Зеҳнли бўлиш, соғлом эътиқод, илм талаби, ҳалол меҳнат, хайрия ишлари каби нарсалар ёш диндорларнинг талабларига жуда мос келади.

Йўл қўйилаётган катта хато

Охирги вақт расмий дин пешволари масжид меҳробларидан туриб қилган ваъзалари ижтимоий тармоқларда кенг тарқалмоқда. Имомларнинг интернет орқали жамотчиликка чиқишлари биз юқорида айтган фаолликка алоқаси бор деб ўйлаш мумкин эди. Аммо афсуски, бу ваъзаларда ёшларни радикализмга итарувчи сўзлар айтилаётганига гувоҳ бўляпмиз! Ҳозирги ёшлар қизиққон бўлгани билан улар изланувчан ва маълумотларни бошқа манбалар билан солиштирадиган “харидоралардир”. Диндор ёшлар Исломга қизиқар экан уларга авваламбор диннинг асослари, Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг асл мазмунлари қизиқтиради. Мураккаб, ғалати, зиддиятли маълумотларга кескин ишончсизлик билан қаршилайдилар.

Биргина гротеск мисол келтираман: ўтган ҳафта бир ўзбекистонлик имомнинг “Пирнинг назари тушган ит чирпирак бўлиб айланиб ўлади. Одамлар у итнинг гўрига мақбара қуриб зиёратгоҳларга айлантирадилар. Кимни қутирган ит қопса, шу мақбарани тавоф қилиб шифо топади” деб мутлақо жиддий оҳангда маъруза қилиши мени лол қолдирди! “Сариқ девни миниб” асаридаги “Ўзунқулоқ пир” воқеасини мен шунчаки дин устидан кулиш эртаги деб ўйлаб юрган эканман. Мени ҳайратга солган бу нарса ҳиссиётга моил ёш мусулмонни жунбушга келтиради. Бундай нарса уни ҳар қандай расмий дин вакилларига нисбатан ишончни йўққа чиқариб, уни “радикал идеологиялар бозорига” йўл олишга ундайди!

Айтганимиздек, бу бир мисол холос, афсуски, бу истисно эмас. Бунга атайин масжид имомларидан бездириш учун қилинаётган амалиёт деган гумондан йироқман. Чунки оддий калтабинлик фитна назарияси билан тушунтиришга ҳожат йўқ.

Муҳтарам диний идорага бундай муаммога эътиборларини жиддий қаратган бўлар эдим!

Албатта тариқат аҳли омма учун ғайриоддий кўринган нарсалар аслида ботиний ҳикматлар, кашфиёт, завқ, шавқлардир деб тушунтиришлари мумкин. Умуман олганда, тариқатларнинг чуқур кетган ривоятлари кўпчилиكنинг ақли ва эътиқодига зид келиши қадимдан маълум эди. Шу сабабли омма мусулмонларга пешволик қилаётган имомлар одамлар кўтара олмайдиган “ҳосслар учун” маълумотларини тариқатларнинг “ёпиқ клублар”ида қолдирсалар яхши бўлар эди, ахир уларда фитна чиқариш ниятлари йўқ-ку?!

5-ноябрь, 2019

Жамшид Муслимов

[Manba](#)

Tayyorladi: t.me/e_kutubxona